



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th May, 2026

Website: <https://econferencia.com>

MARKAZIY OSIYO MINTAQASIDAGI NARKOVAZIYAT VA UNING MAMLAKATIMIZGA KO‘RSATAYOTGAN TA’SIRI

Shukurov Shermuxammad Shodmonovich

Bojxona instituti magistratura tinglovchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu tezis Markaziy Osiyo mintaqasidagi narkovaziyatning hozirgi holati, uning shakllanish omillari hamda Afg‘onistonda giyohvandlik vositalari ishlab chiqarish dinamikasining mintaqa xavfsizligiga ta’siri tahlil qilingan. Shuningdek, narkotik moddalar tranzitining asosiy yo‘nalishlaridan biri hisoblangan “Shimoliy marshrut” orqali narkotrafikning kengayishi va bu jarayonning O‘zbekistonga ko‘rsatayotgan salbiy ta’siri ko‘rib chiqilgan. Shuningdek, mintaqadagi narkovaziyatni barqarorlashtirish, transmilliy narkotrafikka qarshi kurash samaradorligini oshirish hamda xalqaro hamkorlikni kuchaytirish bo‘yicha amaliy takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: narkovaziyat, giyohvandlik vositalari, psixotrop moddalar, prekursorlar, “Shimoliy marshrut”, sintetik giyohvandlik vositalari, narkolaboratoriyalar, narkojinoyatchilik, transmilliy jinoyatchilik, Markaziy Osiyo mintaqaviy axborot muvofiqlashtirish markazi, BMTning Narkotiklar va jinoyatchilik bo‘yicha boshqarmasi, xavfsizlik, xalqaro hamkorlik.

ANATATION

This thesis analyzes the current state of the drug situation in the Central Asian region, the factors contributing to its formation, as well as the impact of the dynamics of narcotic drug production in Afghanistan on regional security. It also



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th May, 2026

Website: <https://econferencia.com>

examines the expansion of drug trafficking along one of the main transit routes — the “Northern Route” — and its negative impact on Uzbekistan.

In addition, practical recommendations are proposed to stabilize the drug situation in the region, enhance the effectiveness of combating transnational drug trafficking, and strengthen international cooperation.

Keywords: drug situation, narcotic drugs, psychotropic substances, precursors, “Northern Route”, synthetic drugs, drug laboratories, drug-related crime, transnational crime, Central Asian Regional Information and Coordination Centre, United Nations Office on Drugs and Crime, security, international cooperation.

АННОТАЦИЯ

В данном тезисе проанализировано текущее состояние наркоситуации в Центрально-Азиатском регионе, факторы её формирования, а также влияние динамики производства наркотических средств в Афганистан на региональную безопасность. Кроме того, рассмотрено расширение наркотрафика по одному из основных маршрутов транзита наркотиков «Северному маршруту», а также его негативное воздействие на Узбекистан. Также разработаны практические предложения по стабилизации наркоситуации в регионе, повышению эффективности борьбы с транснациональным наркотрафиком и укреплению международного сотрудничества.

Ключевые слова: наркоситуация, наркотические средства, психотропные вещества, прекурсоры, «Северный маршрут», синтетические наркотики, нарколаборатории, наркопреступность, транснациональная преступность,



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th May, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Центральноазиатский региональный информационно-координационный центр, Управление ООН по наркотикам и преступности, безопасность, международное сотрудничество.

Ҳозирги кунда терроризм ва диний экстремизм билан бир қаторда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси глобал хавфсизликка таҳдид солиб келаётган асосий хавфлардан саналади. Нарковазият хусусида сўз борганда Афғонистоннинг ундаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтмасликнинг имкони йўқ. Зеро, жаҳондаги опий гиёҳвандлик воситаларининг 93% Афғонистонда ишлаб чиқарилган.

Дунё ҳамжамияти томонидан кўриляётган чораларга қарамасдан, ушбу давлатдаги нарковазият билан боғлиқ ҳолат ижобий томонга ўзгармасдан қолмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жинойатчилик бўйича бошқармаси (кейинги ўринларда – БМТ НЖБ) маълумотига кўра, 2024 йилда Афғонистонда кўкнор етиштириладиган майдонлар 233 000 гектарни, ишлаб чиқарилган опий миқдори эса 6200 тоннани ташкил этган¹.

Бироқ, 2023 йилга келиб Афғонистонда кўкнор ўсимлиги экин майдонлари кескин қисқарди. Хусусан, БМТ НЖБ маълумотларига кўра, 2025 йилга келиб Афғонистонда кўкнор етиштириладиган майдонлар 95% га қисқариб,

¹ В 2022 году производство опиумного мака в Афганистане выросло на 32 процента // <https://unsdg.un.org/ru/latest/stories/v-2022-godu-proizvodstvo-opiumnogo-maka-v-afganistane-vyroslo-na-32-procenta>



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th May, 2026

Website: <https://econferencia.com>

экин майдонлари 10 800 гектарни, опий миқдори эса 333 тоннани ташкил этган.²

МТ НЖБ томонидан келтирилган мазкур маълумотлар Афғонистондаги ҳақиқий вазиятни намоён эта олмайди. Бунинг иккита сабаби мавжуд.

Биринчидан, Афғонистонда сўнги 10 йилда қарийб 50 минг тонна опий гиёҳвандлик воситалари етиштирилган бўлиб, мазкур гиёҳвандлик воситаларининг реализация қилинганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас. Зеро, халқаро экспертларнинг фикрига кўра, ишлаб чиқариш тугаган тақдирда ҳам Афғонистондаги опий гиёҳвандлик воситаларининг захираси дунё бозорини яна 10 йил маҳсулот билан таъминлашга етади.

Иккинчидан, Афғонистонда эфедра ўсимлиги асосида амфетаминлар гуруҳига кирувчи янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш кундан-кунга ривожланиб бормоқда.

Мазкур омиллар, шунингдек афғон наркотиклари транзитининг асосий йўналишларидан бири бўлган “Шимолий маршрут”нинг Марказий Осиё орқали ўтиши оқибатида минтақадаги нарковазият мураккаблигича қолмоқда.

² Доклад Международного комитета по контролю над наркотиками за 2023 год, 113 ст. // https://unis.unvienna.org/unis/uploads/documents/2024-INCB/2325540R_INCB_Annual_Report.pdf




International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th May, 2026

Website: <https://econferencia.com>



1-диаграмма. Афғонистондаги кўкнор ўсимлиги етиштириладиган майдонлар сатхи (га)³

³ Запустит ли мирное соглашение в Дохе межафганский диалог // <https://riss.ru/article/14473/>




International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th May, 2026

Website: <https://econferencia.com>



2-диаграмма. Афғонистонда ишлаб чиқарилган опий микдори (тонна)⁴

⁴ Наркоугроза как вызов для системы глобального управления в начале XXI века (на примере ситуации в Афганистане) // https://istina.msu.ru/media/publications/article/902/64b/17895713/Narkougroza_kak_vyzov_dlya_sistemyi_globalnogo_upravleniya_v_nachale_XXI_veka_na_primere_situatsii_v_Afganistane.pdf




International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th May, 2026

Website: <https://econferencia.com>



1-расм: Афғон наркотиклари транзит йўналишлари ⁵

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларини ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказининг маълумотларига кўра, 2024 йилда марказга аъзо давлатларда ноқонуний муомаладан олинган гиёҳвандлик воситалари ҳажми 73,5 фоизга ошиб, 96 тонна 775 килограмми ташкил этган. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, гиёҳвандлик воситалари мусодараси 36,6 фоизга, героин мусодараси 15,4 фоизга ўсган.

⁵ Трафик афганских опиатов через территорию Кыргызстана // https://ecuo.org/mvdev/wp-content/uploads/sites/4/2016/09/narcotraf_report_14.pdf



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th May, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Шу билан бирга, аниқланган нарколабораториялар сони 20,1 фоизга ортган. Ушбу вазият республикамизга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, сўнгги 5 йилда республикада наркожиноятлар сони 62 фоизга, мусодара эса 8 баробарга кўпайган. Янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи 270 баробарга, кучли таъсир қилувчи дори препаратлари билан боғлиқ ҳолатлар эса, 21 фоизга кескин ошган.

Охирги 5 йилда наркожиноятлар содир этган шахслар 32 минг нафарни ташкил этган бўлса, уларнинг 10 фоизи аёллар, 74 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, республика ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 2024 йилнинг 6 оyi давомида кўрилган чора-тадбирлар натижасида 5 975 та наркожиноятлар аниқланган бўлиб, 950 килограммга яқин гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласининг олди олинган. Мазкур мусодара қилинган наркотикларнинг қарийб 90 кг синтетик гиёҳвандлик воситаларидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, минтақадаги нарковазиятни яхшилаш ҳамда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига самарали қарши курашиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1. Афғонистоннинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларини ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази аъзолигига эришиш.

(Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, шунингдек, Озарбайжон ва Россия) Бу орқали Афғонистондаги нарковазият тўғрисида батафсил маълумот олиш имконияти пайдо бўлади. Шу билан



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th May, 2026

Website: <https://econferencia.com>

бирга, қарши курашиш соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар асосида Афғонистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти такомиллаштирилади.

2. Республика чегара божхона постларини янада замонавий технологиялар (Z Portal, ИДК, ТруНарк) билан таъминлаш орқали гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласини минималлаштиришга эришилади.

3. Минтақа давлатлари орасида тезкор дастлабки маълумотлар алмашилишини йўлга қўйиш. Бу орқали чегара божхона постлари орқали ўтадиган барча турдаги юклар тўғрисида барвақт хабардор бўлиш имкони пайдо бўлади.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. В 2022 году производство опиумного мака в Афганистане выросло на 32 процента // <https://unsdg.un.org/ru/latest/stories/v-2022-godu-proizvodstvo-opiumnogo-maka-v-afganistane-vyroslo-na-32-procenta>

2. Доклад Международного комитета по контролю над наркотиками за 2023 год, 113 ст. // https://unis.unvienna.org/unis/uploads/documents/2024-INCW/2325540R_INCW_Annual_Report.pdf.

3. Запустит ли мирное соглашение в Дохе межафганский диалог // <https://riss.ru/article/14473/>

4. Наркоугроза как вызов для системы глобального управления в начале XXI века (на примере ситуации в Афганистане) // https://istina.msu.ru/media/publications/article/902/64b/17895713/Narkougroza_kak_vyizov_dlya_sistemyi_globalnogo_upravleniya_v_nachale_XXI_veka_na_primere_situatsii_v_Afganistane.pdf



International Conference on Education, Psychology and Humanities

Hosted Online from Moscow, Russia

Date: 28th May, 2026

Website: <https://econferencia.com>

5. Трафик афганских опиатов через территорию Кыргызстана // https://ecuo.org/mvdev/wp-content/uploads/sites/4/2016/09/narcotraf_report_14.pdf